

O'ZBEKISTON



O'VOZI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2003-YIL 21-YANVAR SESHANBA 8 (27.028) uzbovozi@sarkor.uz 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Олувчи ҳам, балога қолувчи ҳам истеъмолчи



Мамлакатимиз ташқарисидан кириб келаётган сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари йўлига...

Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотга кўра, 2000 йилда мамлакатимизда 162 киши озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланиб, 9 нафар фуқаро вафот этган.

лик мuddатига эътибор берасизми? Бизнингча, кўпчилик сингари бу саволга «Ҳа» деб жавоб бера олмайсиз.

билан олиб ўтилаётганда ушланган. Шунча миқдордаги балиқ маҳсулоти фуқароларимиз дастурхонига етиб борми...

«ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ — 2002»

Мамлакат. Мактаб. Муаллим

Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз.

Ислом КАРИМОВ

нинг қувончларини кўриб бошим осмонга етди.

Муаллимликнинг машаққати оз эмас, албатта. Шу билан бирга шарофли каб об эканлигини ҳам биламан.

Интернет тармоғидан фойдаланиб, ривожланган давлатлар таълим тизимидаги янгиликлардан хабардор бўлмоқда.

Абдуазим МАЖИДОВ, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими, Олий Мажлис депутаты

— Ироданинг галабаси бутун туманимиз маданий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Бизда Ёш педагоглар кен-

Сардор ИСОКОВ, 121-ўрта мактабнинг 3-синф ўқувчиси:

— Устозимиз болаларни жуда яхши кўрадилар. Уйда дарс тайёрлаб келишимиз, яхши ўқишимиз муаллимимизни қувонтиради.

Маҳфуза МИРЯХҲЕВА, бошланғич синф ўқувчиси:

— Ирода ҳақиқий иродали ўқитувчи. У ёш бўлишига қарамадан дарс жараёнига таълим технологиясини жорий этмоқда.

ғаш фаолият юритади. Ҳар ойда бир марта йиғилиб, ёш муаллимларнинг муаммолари, режалари, мақсадлари ҳақида гаплашиб оламиз.

Ижтимоий сўров ўтказиб, тумандаги 37 та умумтаълим мактабларидаги ахволдан хабардор бўлиб борамиз.

Назаримда, интилишларимизнинг илк мевасини кўриб турибмиз.

Ирода Ҳамидова март ойида малака ошириш учун Японияга жўнаб кетди. Танловда голиб бўлган муаллимага «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» нишони берилди.

Фаррух ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

Ирода ҲАМИДОВА, «Йил ўқитувчиси — 2002» танлови голиби:

— Менга юксак ишонч билдирилди. Муаллим учун бундан-да баланд мартаба, ҳурмат, эъзоз бўлмаса керак.

Энг аввало, бутун умрларини маорифга бахшида этаётган онам Озода Нигматова ва отам Мирҳосил Нигматовларга бош эгиб, таълим қиламан. Мен муаллимлик сабоғини илк бор оиладан ол-



МИЛЛИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ. БУТУН ХАЛҚ «БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ» БИЛАН ЯШАМОҚДА

Дунё иморатларининг энг муқаддас ва қадрлиси бўлган мактаб муаллим мурғак қалбларнинг илк тарбиячиси.

Республика таълим марказида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган аънавий «Йил ўқитувчиси — 2002» кўрик-танлови якунланди.

Ирода ҲАМИДОВА, «Йил ўқитувчиси — 2002» танлови голиби:

ЭКСПОРТ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Навоий толаси — Сингапурга

Вилоят пахтакорлари ўтган йили 110 минг 474 тонна пахта етиштирди.



— Бунинг деярли ҳаммаси, — дейди «Навоийпахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси раиси Абдуҷаббор Асадов.

Бизнес Банк энг яхши аъналарда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 21 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юртиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:

Table with 2 columns: Currency/Unit and Rate. Includes entries for Australia, Canada, Denmark, etc.

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

Йигит омон бўлса

ҚАЛЪА БУТ, ҚЎРҒОН САЛОМАТ...

Ўтган ҳафтаимизнинг энг муҳим воқеаларидан бири — 14 январь куни мамлакатимизда умумхалқ байрами — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг ўн бир йиллиги кенг нишонлангани бўлди.

Дарвоқе, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимиз раҳбари энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимизни ташкил топтиришга киришилган эди.

«Миллий кадрларимиз ва аждодларимизнинг жангавар аъналарига, шу билан бирга, энг замонавий талаблар ва андозаларга мос келадиган армиямизни барпо этиш ҳақида гапирар эканмиз, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бosh қўмондон Ислам Каримов Ватан ҳимоячиларига йўлаган байрам табригида, — ўтган қисқа давр мобайнида ана шу мақсадга эришиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилганини айтиш зарур».

Ҳа, дастлабки қадамлар қўйилди. Армиямизда улкан ўзгаришлар содир бўлди. Катта ҳарбий ислохотлар амалга оширилди. Сарҳадларимиз дахслзизлиги, худудий яхлитлик ва эл-юртнинг осуда ҳаёти ишончли қўлларга топширилди.

(Давоми 2-бетда.)


СПОРТ

Боксчиларимиз галабаси



18 январь куни ҳамюртимиз, профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорян Германиянинг Эссен шаҳрида навбатдаги жангини ўтказди.


ва техникага эга Артур Григорян очколар ҳисобида галаба қозонди. Бу 35 ёшли ҳамюртимизнинг профессионал боксда жаҳон чемпионлигини кўлга киритганидан кейинги кетма-кет ўн еттинчи ютуғидир.



Шу куни Мельбурн (Австралия)даги «Telstra Dome» спорт мажмуида профессионал боксчиларимиз Мухаммадқодир Абдуллаев, Қувонбек Тайғонбоевлар ҳам навбатдаги рейтинг жанглирини ўтказдилар.

кифоя қилди. Бу вакилимизнинг профессионал рингдаги кетма-кет ўн биринчи галабасидир.

Шунингдек, Қувонбек Тайғонбоев панамалик Алфонсо Москауэрони мағлубиятга учратди ва рейтинг очколарини кўпайтириб



олди. Шу куни рингга чиқиши мўлжалланган яна бир вакилимиз Руслан Чагаевнинг жанги техник сабабларга кўра қолдирилди.

(Ўз мухбиримиз)

ДАЪВО

Бир шапалоқ урди гадони гадо, — Исмиш Худо, — деди, — қилабер даъво. Даъвогар қозига дод солиб борди: — Мени Худо урди, урди-ку худо!

Абдулла ОРИПОВ 2003 йил, 6 январь

Махсус делегация жўнатилади

Европарламент Ироқ Президенти Саддам Хусайн билан учрашиш учун махсус делегация жўнатишга қарор қилди. Бу ҳақда Европарламентнинг халқаро ишлар бўйича қўмитаси раиси Эльмар Брок ва БМТнинг Ироқдаги инспекторлари гуруҳи бошлиғи Ханс Бликслар ўзаро келишиб олдилар. Делегация Ироққа фақат Саддам Хусайн билан шахсан учрашиш шарти билан боради. Улар Ироқ оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш дастури тўхтатилганлигини исботловчи аниқ ва ишончли ҳужжатларни тақдим этиши зарурлиги ҳақида Европа Иттифоқининг мақтубини президенти тақдим қилишга, дейилди «Новости» агентлиги хабариди.

Президент таклифига биноан

Интернетнинг «Газета.RU» сайтидаги ахборотда ёзишларича, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин таклифига биноан шу йил февралда Покистон Президенти Парвез Мушарраф Россияга ташир буюради.

Рўйхатдан ўтиши шарт

АҚШ ҳукумати мамлакатга келган хорижий фуқароларни рўйхатдан ўтказишни янада оммалаштирмакда. Эндиликда терроризмга қарши кураш дастурига кўра, АҚШга келган айрим чет эллик фуқаролар албатта, махсус рўйхатдан ўтиши шарт. Авваллари бешта давлат — Эрон, Ироқ, Ливия, Судан ва Суриядан келган фуқаролар рўйхатдан ўтарди. Reuters ахборотида кўра, энди улар қаторига Бангладеш, Миср, Иордания, Индонезия ва Кувейт фуқаролари ҳам киритилди.

Муаммо тинч йўл билан ҳал этилиши лозим

Яқинда Жанубий Кореянинг Президенти этиб сайланган Но Му Хен Корея ярим оролидаги ядро муаммосини ечиш учун АҚШни Шимолий Корея билан музокаралар олиб боришга чақирди.

Президент CNN телеканалда баёнот билан чиқар экан, «АҚШ билан КХДР ўртасида бир-бирини тушунадиган ўзаро суҳбатларни ташкил этиш лозим» деди. Шунингдек, дунё матбуотида билдирилган АҚШнинг Шимолий Кореяга уруш очилиши мумкинлиги борасидаги хабарлардан хавотирга тушаётганини билдирди.

Бироқ АҚШ давлат котибининг ўринбосари Ричард Армитажнинг баёнот беришича, хавотирланишга ҳожат йўқ. Негаки, АҚШ Шимолий Кореядаги ядро муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун барча чораларни кўришга тайёр.

Аввалроқ Президент Жорж Буш АҚШ ва КХДР муносабатларини қайта кўриб чиқишга тайёр эканлигини билдирган эди. Агар КХДР ўзининг ядро дастури бўйича фаолиятини тўхтатса, АҚШ энергия таъминоти ва озик-овқат маҳсулотлари бўйича ёрдам кўрсатишни қайтадан ташкил этиши мумкинлигини айтган, дея хабар беради Reuters агентлиги.

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

Ўттиз сотих ер машмашаси

ЁКИ СУД ҚАРОРИ АМАЛДА ИЖРОСИНИ ТОПМАЙ ҚОЛИБ КЕТАЁТГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Қизиқ хангома. Қумқўрғон туманида «Қуёш» деб номланган фермер хўжалигини ташкил этган Муҳаммади Қурбоновнинг боши қотган. Ахир, унинг ниётлари, амалга ошироқчи бўлган ишлари жуда кўп эди-да... Фермерларга кенг йўл берилган, бирор муаммо туғилса ёки фаолиятда тўсиққа дуч келса, уни ҳимоя қиладиган қонуналар бор...

Фермер шу ҳаёлда эди. Аммо энди билса...

1994 йил 18 март кунни туман ҳокимининг 158-сонли қарорига асосан ташкил этилган «Қуёш» фермер хўжалигининг ишлари бугунги кунда анча юришиб кетган бўлиши керак эди. Тўғри-да, фермер хўжалиги қонуний ташкил этилган. Муҳаммади Қурбоновга 6 гектар, деб ўлчаб берилган ерни бўлажақ фермер қанча ўлчаб кўрсатини, 5 гектардан ошмади. Бир гектари насияга қолди. Шундан сўнг у ҳақини талаб қилиб, у-бу идорага борувди (фермер М. Қурбоновнинг айтишича), туман ер ресурслари бўлими бошлиғи К.Норқобилоннинг аччиғи чиқдим, томорқа сўраб юрган фуқаролардан бири Чориев Худойназар деган кишига «Қуёш»га берилган ердан 0,30 гектарини томорқа қилиб бериб юборди. Буни кўрган яна бири киши одам фермерга берилган майдондан «томорқали» бўлиб қолди.

Муҳаммади Қурбонов «Э, бу қанақаси бўлди?», деб ҳайрон қолди. Сўнг «фермерни ҳимоя қилаётганлар ҳам бор-ку», дея у туман прокуратурасига «мурожаат» қилди. Бу ерда у кишини диққат билан эшитишга, «фермернинг» прокуратура ҳимоя қилгани» дейиши. Бундан М.Қурбоновнинг кўнгли таскин топди.

Яхшиши, у масалада Сурхондарё вилоят прокуратураси надири бўлган «Адолат тарозиси» газетасининг 2001 йил 20 февраль №5-сонда Қумқўрғон туман прокурори ёрдамчиси Р.Тўхтаевнинг «Хуқуқ бузилишига йўл қўйилмади» деб номланган мақоласидан бир шингил келтирмиш:

«Тадбиркорлар ўзларининг қонуний манфаатларини ҳимоя

қилишни сўраб прокуратура органларига тез-тез мурожаат қилишмоқда. Бундай мурожаатлар ортида табиийки, тадбиркорнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига, адолат тикланишига бўлган катта ишончи ётади. Прокуратура органлари фуқаролар ишончини оқлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш борасида амалий чораларни кўрмоқда. Жумладан, «Қумқўрғон» ҳиссадорлик жамияти «Қуёш» фермер хўжалигига қарашли 0,30 гектар ерни фуқаро Худойназар Чориев ўзбошимчалик билан эгаллаб олган. Бу ердан у томорқа сифатида фойдаланиб келган. Фермер Муҳаммади Қурбонов бу адолатсизликка чек қўйишни сўраб туман прокуратурасига мурожаат қилди. Ўтказилган текширишда далиллар тасдиқланди. Маълум бўлишича, фуқаро Х.Чориев «Қуёш» фермер хўжалигига қарашли беда экиш учун режалаштирилган майдоннинг 0,30 гектарини бир неча йилдан бери ўзбошимчалик билан эгаллаб олган. Маълум бўлишича, фуқаро Х.Чориев «Қуёш» фермер хўжалигига қарашли беда экиш учун режалаштирилган майдоннинг 0,30 гектарини бир неча йилдан бери ўзбошимчалик билан эгаллаб олган 30 сотих ер майдонини қайтариб олиб бериш тўғрисидаги фуқаролик иши бўйича 18.04.2001 йилда чиқарилган ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, яъни, ўз қучида қолдирилди. Қуёш, шундай экан, табиий савол туғилди, нега фермер вилоят судининг ақрийдан кейин ҳам овораю сарсон бўлиб юрибди? Наҳот, Чориев Худойназар деганлари шу қадавр сурабонки, у кишига суд қарорларининг, яъни қонуннинг ҳам қучи етмасми? — Ҳамма гап ана шунда-да, — дея қуонади фермер. — Икки йил бўлаётганки, суд ижрочиларнинг Худойназар Чориевга қучи етмайди...

Кизиқ, ҳуқуқий жамият қуришдек хайрли ишлар давом этаётган давлатимизда бундай масалалар йиллаб қўзғилиб, қим ҳақу қим ноҳақ эканлиги мавҳумлаштирилмасдан, қонун йўли билан қатъий иш тутилмоғи, суд қарори ижро топмоғи шарт эмасми.

Абуракул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Етакчилар қатнашади

Туркия раҳбарияти Яқин Шарқдаги бир қанча давлатларнинг етакчиларини шу ҳафта Анкарада ўтадиган Ироқ муаммосига бағишланган учрашув-конференцияга таклиф этди.

Anatolian news агентлиги берган ахборотга кўра, Бағдод ва Вашингтон ўртасидаги қарама-қаршилиқни тинч йўл билан бар-тароф этиш бўйича Туркия янги резолюция лойиҳасини тайёрлаган.

Учрашув-конференцияга Сурия, Иордания, Миср, Эрон ва Саудия Арабистони вакиллари таклиф этилган.

Император жарроҳлик столига ётқизилди

Япония императори Акихито Токио университетининг клиник шифохонасида даволанмоқда. Шанба кун саратон шишига қарши жарроҳлик операцияси амалга оширилди.

Император саройидан хабар беришларича, 69 ёшли императорнинг касаллиги илк босқичдаёқ аниқланган. Шунинг учун даволаш анча осон кечмоқда.

Kyodo ахборотида кўра, операцияни Япония миллий онкология марказининг етук мутахассислари амалга оширдилар.

Император бир ой даволаниши лозим. Бу пайтда унинг ваколатини императорнинг 42 ёшли меросхўри, шахзода Нарухито бажариб туради.



Аэродромдан фойдаланади, агар...

Америка ўзининг разведкачи самолётлари учиб-қўниши учун Истанбулдаги Собих Гёкчен аэродромидан фойдаланади, агарки Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланса.

Туркия телевидениеси берган хабарга кўра, ушбу аэродром Истанбулнинг Осиё қисмида икки йил аввал

ишга туширилган. Аэродромдан асосан ҳарбийлар фойдаланишади.

Аввалига АҚШ самолётларини мамлакат жанубидаги Конья ҳарбий ҳаво қўчалари базасига жойлаштириш кўзда тутилган эди. Аммо Америка экспертлари инспекцияси Истанбул аэродромини маълум қўришди, деб ўз хабарини яқунлайди «Новости» агентлиги.

Объявление

Тендерная комиссия сообщает, что по итогам проведенного тендера ДГП «Узтехгаз», открытого 10 декабря 2002 года по закупке материально-технических ресурсов (с отсрочкой платежа на 90 дней), контракт по поставке карбида-кальция (фракции 25/80) в

количестве 310 т. (Лот №3) присужден компании «GOLDPROOF SUPPLIES LTD». По другим материально-техническим ресурсам (Лот №1, Лот №2, Лот №4, Лот №5, Лот №6) тендерные торги считать не состоявшимися.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг «Ассалом, янги йил» қисқа муддатли, ютуқли омонати бўйича 2003 йил 15 январь кун Тошкент шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки «Омад» ютуқли омонати бўйича 2003 йил 15 январда Тошкент шаҳрида ўтказилган 13-ютуқлар тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Table with 3 columns: T/P, Ютуқ миқдори (сўмда), Ютуқли ҳисобварақ. Lists 49 items with amounts and account numbers.

Table with 3 columns: T/P, Ютуқ миқдори (сўмда), Ютуқли ҳисобварақ. Lists 49 items with amounts and account numbers.

Table with 3 columns: T/P, Омонат қолдиғи ҳисобланган фонд даромади куйдаги миқдорда кўпайди, Ҳисоб-варақа рақами. Lists 25 items with amounts and account numbers.

Ютуқлар тиражи ҳар 1000 та ҳисоб-варақаси бўйича ўтказилди. 1000 дан зиёд ҳисоб-варақлари очилган Халқ Банкининг туман (шаҳар) бўлимларида ҳар 1000 та ҳисоб-варақаси бўйича ҳам худди шу тартибда ютуқлар чиқди. Масалан: ОД-1033, ОД-2033, ОД-3033 ва ҳоказо.

Ҳайъат раиси — Чилонзор тумани ҳокимлиги маъсул ходими Ж.ТўЛАГАНОВ
Маъсул котиб — Халқ Банки бошқаруви жамғармаси операциялари бўлими бошлиғи М.САИДОВ

САЊАТ ОЛАМИДА

Театр — ибратхона

У ИНСОНИЙЛИК ВА МАЪНАВИЯТ МАКТАБИДИР

Қадим Шарқда маданият, илм-фан маркази бўлиб келган Самарқандда маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий 1913 йил 15 сентябрда «Ойна» журнали тахририятида ҳаваскорлар, муаллимлар, қалам ахлини тўлаб «Бехбудий театруси»ни ташкил қилди.

олим сифатида намоён бўлганди. «Бехбудий театруси»ни молиявий таъминлашда Ҳожиабдулазиз Абдурасулов бошчилигидаги савҳатпеша кишилар яқиндан ёрдам беради. Шу тўғрисида оёққа турган «Бехбудия кутубхонаси» (1907 йил ташкил этилган), «Бехбудия мактаблари» (1911) ҳамда «Бехбудия театруси» Самарқанд зиёлиларини гафлатдан уйғотган бўлса ажаб эмас.

тургия билан чекланиб қолмайди. Жаҳон драматургияси билан томошабинларни таништириш ҳам муҳим зарурат эканлигини англаган ижодий жамоа бу ҳақиқатни четлаб ўтолмайди. Чунки бу замон талаби, тараққиёт мезони ҳамдир.

гунги кун талаблари нуқтаи назаридан юксак баҳоланмоқда. Бугунги замондошларимиз ҳаётнинг у ёки бу қирраларини ҳикоя қилувчи «Шайтон ва Фаришта», «Аёлларни асранг, эркаклар», «Китмир», «Бир ўлиб кўрайчи», «Оқибатли кўшилари», «Чимилдиқ» каби комедиялар ҳам театр репертуаридан муҳим ўрин олган.

Маҳмудхўжа Бехбудий ўша йиллари қатор давлатлар (Миср, Туркия)даги санъат ўқув юртлири, опера, драма театрлари ва уларнинг жамиятдаги сиёсий, ижтимоий, энг муҳими, инсон тарбиясидаги улкан аҳамиятини «Ойна»даги кўпмақолаларида исботлаб берди.

Самарқанд театри сахнасига илк бор мусулмон аёллар 1918 йилнинг бошларида кириб келди. Сора Аҳмадхонова, Гулчехра Субхонкулова, Карима Зокирова, Назира Низомиддинова сингари актрисалар ўша пайтларда долзарб мавзуларда сахналаштирилган пьеса ва драмаларда ўзбек хотин-қизлари образларини яратдилар.

Театрда 90 йил мобайнида кўпмақолалиқ спектакллар сахналаштирилди. Унинг негизиде опера ва балет театри ҳам ташкил этилиб, 27 йил давомида юздан зиёд балет, опера, мусиқали спектакллар кўйилди.

Шунингдек, «Самарқанд театри» тарихий музейини яратиш, театр босиб ўтган йўл ҳақида монография ёзиш ҳам кўзда тутилган. Театр жамоасида драма актёрлари, хор, балет, оркестр таркибида юздан ошиқ ижодкор хизмат қилиб келмоқда.

XX аср бошларида вужудга келган миллий уйғонш даврида Маҳмудхўжа Бехбудий нафақат публицист ва саяҳатчи, балки улуг миллиятпарвар, маърифатпарвар, қомусий

Самарқанд театри ўзининг бошланғич даврида оқибатли кўпмақолалиқ ўзбек театрлари учун кадрлар тайёрлашда ижодий мактаб бўлиб келган. Мумтоз санъатимизнинг кўпмақолалиқ ўзбек хотин-қизлари образларини яратдилар.

Мустақилликдан сўнг, бирлаштирилган театр ўз ижодий мавқеини сақлаб қолиш билан бирга репертуарига ўзгаришлар киритди. Драматургиямизга кириб келётган тарихий ҳамда замонавий асарларнинг сахнавий талқини театрда ўз ифодасини топа бошлади.

Театр — ибратхона. Унга интилган одамлар учун у инсонийлик, одамийлик, маънавият мактабидир.

Муваффақиятлар масъулияти

Спорт нафақат жисмоний, балки ёш авлод маънавий камолотининг ҳам гаровидир. У мустақкам ирода, гурур, ватанпарварлик, халқпарварлик, ўзаро ҳурмат туйғуларини, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, жамоадошлиқни ютуғидан қувониш каби хислатларни шакллантиришга хизмат қилади.

СПОРТ

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида бўлиб ўтган йиғилиш 2002 йил якунлари ва янги йил режаларига бағишланди. Унда спорт федерациялари раҳбарлари, мутахассислар, ОАВ ходимлари иштирок этишди.

«Пахтакор» кейинги босқичда

Футбол бўйича Москвада ўтаётган МДХ мамлакатлари чемпионлари кубогини анъанавий турнирида Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. «С» гуруҳидан жой олган пахтакорчилар мусобақанинг илк учрашувида Украина чемпиони «Шахтёр» (Донецк) футболчилари билан куч синашди.



Турнирнинг бошқа гуруҳларида эса қуйидаги натижалар қайд этилди: «А» гуруҳи. «Локомотив» (Россия) — «Иртиш» (Қозғоғистон) — 1:0, «Торпедо» (Грузия) — СКА-ПВО (Қирғизистон) — 3:0, «Локомотив» — «Торпедо» — 2:2, «Иртиш» — СКА-ПВО — 2:1.

Иккинчи турни пахтакорчилар турнирида мусобақадан ташқари иштирок этаётган Озарбайжон ёшлар терма жамоаси билан ўтказилди. Жамоатлари миз учун навбатдаги ўйинга тайёргарлик вазифини ўтаган бу учрашувда дуранг натижа қайд этилди — 1:1.

«Д» гуруҳи. «Флора» (Эстония) — «Шериф» (Молдова) — 0:4, «Шагадам» (Туркманистон) — Россия ўсмирлар терма жамоаси — 0:2, «Шериф» — «Шагадам» — 7:1, Россия ў.т.ж. — «Флора» — 2:1.

Advertisement for the 'Yaxshi Niyat' lottery, featuring a list of prizes and their corresponding ticket numbers. The prizes include cash, electronics, and cars.

Advertisement for the 'Yaxshi Niyat' lottery, featuring a list of prizes and their corresponding ticket numbers. The prizes include cash, electronics, and cars.

Advertisement for the 'Yaxshi Niyat' lottery, featuring a list of prizes and their corresponding ticket numbers. The prizes include cash, electronics, and cars.

Advertisement for the 'Yaxshi Niyat' lottery, featuring a list of prizes and their corresponding ticket numbers. The prizes include cash, electronics, and cars.

Advertisement for the 'Yaxshi Niyat' lottery, featuring a list of prizes and their corresponding ticket numbers. The prizes include cash, electronics, and cars.

Advertisement for the 'Yaxshi Niyat' lottery, featuring a list of prizes and their corresponding ticket numbers. The prizes include cash, electronics, and cars.

A vertical sidebar containing various advertisements and notices, including contact information for 'Safar OSTONOV', 'TAHRIR HAY'ATI', and 'BO'LIMLAR:'.